

## Кириш

Ушбу қисқача қўлланмада Android учун Dr.Web Mobile Security ни (кейинги матнда - Dr.Web) ўрнатиш ва рўйхатдан ўтказиш бўйича керакли маълумотлар мавжуд. Dr.Web ни ўрнатиш ва ишга туширишдан аввал ушбу йўриқномани диққат билан тўлиқ ўқиб чиқинг. Ҳимоялаш компонентларининг ва функционал имкониятларнинг батафсил тавсифи <https://drweb.kz/doc> сайтда эришимли бўлган хужжатларда Android учун «Защита мобильных устройств» бўлимида бе-рилган.

Dr.Web ни ўрнатишдан аввал қурилмадан ўрнатилган бошқа антивирус пакетларини уларнинг резидент компонентларининг номутаносбилигини эҳтимоллигини олдини олиш учун ўчириб ташлаш лозим. SIM-картасиз план-шет компьютерларида «Антиўғри» ва «Антиспам» компонентларидан фойдаланиш имкони йўқ. Android TV бошқаруви остидаги мосламалар учун Антивирус, Хавфсизлик аудитори ва Брандмауэр эришимли.

## 1-Боб. Мобил ускунадан фойдаланиб Dr.Web ни ўрнатиш ва серия рақамини рўйхатдан ўтказиш

### 1. Ўрнатиш

- 1.1. Ускунага <https://gde.drweb.kz/android> сайтидан ўрнатиш файлини юклаб олинг. Ўрнатиш файлини топиш ва ишга тушириш учун файллар менежеридан фойдаланинг.
- 1.2. Ўрнатиш файли ишга туширилгандан сўнг Dr.Web унинг ишлаши учун зарур бўлган киришга рухсатларни сўрайди. «Установить» ни босинг, ўрнатиш якунлангандан сўнг «Открыть» ни босинг.
- 1.3. Лицензион келишув очилади, унинг шартлари билан танишиб чиқиш ва «Принять» ни босиш зарур.

### 2. Серия рақамини рўйхатдан ўтказиш

- 2.1. Экраннинг тепа қисмидаги лицензия мавжуд эмаслиги ҳақидаги билдиргисида «Подробнее» ни босинг.
- 2.2. «Лицензия» бўлимида «У меня уже есть лицензия» ни танланг.
- 2.3. «Ввести серийный номер» ни босинг ва очилган майдонга серия рақамини киритинг.
- 2.4. «Активировать» ни босинг ва очилган майдонларга шахсий маълумотларингизни киритинг. Истагингиз бўлса, «Получать новости по электронной почте» галочкасини ўрнатиш.
- 2.5. «Активировать» ни босинг.
- 2.6. Экраннинг пастки қисмида лицензия фаоллаштирилганлиги ҳақида хабар пайдо бўлади. Dr.Web ишлашга тайёр.

## 2-Боб. Компьютердан фойдаланиб Dr.Web ни ўрнатиш ва серия рақамини рўйхатдан ўтказиш

- Компьютерга <https://gde.drweb.kz/android> дан ўрнатиш файлини юклаб олинг.
- <https://products.drweb.kz/register> даги рўйхатга олиш шаклини тўлдириш. Калит файли рўйхатдан ўтишда кўрсатилган электрон почта манзилига ZIP-архивда юборилади.
- Компьютерга мобил ускунани уланг.
- Калит файлини компьютердан ускунага кўчириб олинг.
- Ўрнатиш файлини компьютердан мосламага кўчириш. Ўрнатиш файлини топиш ва ишга тушириш учун файллар менежеридан фойдаланинг.
- Ўрнатиш файли ишга туширилгандан сўнг Dr.Web унинг ишлаши учун зарур бўлган киришга рухсатларни сўрайди. «Установить» ни босинг, ўрнатиш якунлангандан сўнг эса «Открыть» ни босинг.
- Лицензион келишув очилади, унинг шартлари билан танишиб чиқиш ва «Принять» ни босиш зарур.
- «Лицензия» бўлимида «У меня уже есть лицензия» ни танланг.
- «Использовать ключевой файл» ни босинг.
- Бундан аввал мосламага кўчириб олинган калит файлини топинг ва уни кўрсатинг. Калит файли ўрнатилди ва Dr.Web ишлашга тайёр.

Dr.Web созламаларида «Новая версия приложения» опциясини **ЎЧИРМАСЛИКНИ!** тавсия этамиз. Бу Сизга янги вер-сия чиққанлиги ҳақида билдиргиларни олишингизга имкон беради, уни бевосита билдиргидан юклаб олиш мумкин.